

Ўзбекистон касаба
уюшмалари фаоллари
ва аъзоларига

Қадрли ватандошлар!

Мамлакатимиздаги энг оммавий фуқаролик институти аъзолари бўлган сиз, азизларни 11 ноябрь — Касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тил-лакаримни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу байрамнинг юртимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётгани унинг фойди ва шуқуҳини янада оширмоқда.

Барчамиз яхши тушунамизки, Янги Ўзбекистон — аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати қонун асосида ишончли ҳимоя қилинадиган давлат дегани.

Шу боис, ўз сафларида саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, адолат ва тенглик тамойилларини таъминлаш борасидаги бир асрдан зиёд тажриба мактаби мамлакатимизда янги жамият, янги давлат барпо этишда биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳақиқатни чуқур тушулган касаба уюшмалари фаоллари ижтимоий соҳадаги дастурларимизни амалга ошириш, айниқса, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ёшлар, муҳтарам кексаларимиз, азиз аёлларимиз манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Фақат сўнгги 5 йилда сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қарийб 500 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тиклангани, корхона ва муассасаларда 20 мингга яқин жамоатчилик назорати ва гендер тенгликка оид аудит тадбирлари ўтказилгани, меҳнат муҳофазаси юзасидан 21 мингдан ортиқ камчилик бартараф этилгани, салкам 1 миллион ходим ва уларнинг оила аъзолари, 1 минг 200 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилгани, 800 минг нафардан зиёд болалар учун ёғи дам олиш имкониятлари яратилгани диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилот ва халқро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлашиб бораётгани, Федерациямиз ўнга яқин халқро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлгани ҳам унинг кенг фаолиятдан далолат беради.

Хурматли дўстлар!

Яқинда сизлар билан очик мулоқот шаклида ўтказилган, ҳаракат тарихига ёрқин саҳифа бўлиб қирадиган учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, унинг тармоқлар ва жойлардаги бўлимлари фаолиятини атрофчида таҳлил этиб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олди.

Ана шу учрашувда сизларнинг кўпгина соҳаларда ижтимоий шерикликни кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларда ходимлар, айниқса, норасмий тарзда банд бўлган фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларнинг касб ва меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш тизимини кучайтириш, умуман, норасмий бандликка чек қўйиш бўйича ташаббусларингиз билан танишиб, соҳа ходимлари бутун халқимиз қатори ўз олдига улкан мақсадлар қўйиб яшаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Турли ижтимоий-иқтисодий зиддиятларга тўла бўлган ҳозирги мураккаб замонда бундай кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш албатта осон эмас.

Бунинг учун, аввало, “яшил” иқтисодиёт ва сунъий интеллект жадал ривожланаётган даврда меҳнат бозорида янгича муносабатлар шаклланаётгани, ўнлаб касблар бўйича платформали бандлик қўйилаётганини ҳисобга олиб, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаёт ва хавфсизликни суғурталашга доир ҳуқуқий нормаларни қонунчилигимизда аниқ белгилаб қўйишимиз, шу асосда янгича иш тизимига ўтишимиз зарур.

Халқро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизнинг 2026-2030 йиллар учун мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича дастурини ишлаб чиқиш ва касаба уюшмалари фаолиятининг келгуси беш йиллик стратегик йўналишларини белгилаб олиш ҳам долзарб масалалардир.

Ана шу вазифаларни самарали адо этишда ўз ҳаётини инсон манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ишга бағишлаган, соҳада кўп йиллардан буюн самарали хизмат қилиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг барча жонқуяр фаоллари ва аъзолари бой билим ва тажрибасини ишга солиб, фидокорона меҳнат қиладилар, деб ишонаман.

Ўз навбатида, биз ҳозирги ўта муҳим тараққиёт босқичида юртимизда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг давлат идоралари билан янада яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари учун қўшимча шароит ва имкониятларни яратиб беришга тайёرمىз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни мамлакатимиз касаба уюшмаларининг қўлғу айёмлари билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сижат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



Вилоятимиз делегацияси АҚШда

▼ Ҳамкорлик

Айни кунларда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги вилоятимиз делегацияси амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлиб турибди.

Айтиш жоизки, эндиликда Ўзбекистон—АҚШ муносабатларида ўзаро ҳамкорликнинг чинакам тарихий даври бошланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ етакчиси Дональд Трамп билан олиб борган олий даражадаги музокаралари икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш ва иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим имкониятлар муҳитини яратиб бермоқда.

Вилоят делегациясининг океанорти сафари ҳам ана шу имконият ва шароитлардан самарали фойдаланиш, ўзаро истиқболли лойиҳаларни рўйба-чиқариш сари ташлана-

ётган амалий қадамдир.

Зойир Мирзаев ташриф доирасида Флорида штатида “Becker & Poliakoff” компанияси вакиллари билан учрашди.

Этиборлиси, компания Флорида штатида 13 та, шунингдек, Нью-Йорк, Нью-Жерси ва Вашингтонда қўшимча офисларга эга.

Мазкур компания АҚШ бозорига киришни истаган халқро мижозлар, шунингдек, чет элда ўз фаолиятини кенгайтиришни хоҳловчи америкалик ишбилармон доира вакиллари учун стратегик ҳамкор ва ҳуқуқий қўмақчилик вазифасини бажаради.

Компаниянинг Вашингтондаги Федерал лобби амалиёти бошқарувчиси Омар Франко билан мулоқот самимий ва ўзаро англаш муҳитида ўтди.

Сухбат чоғида Зойир Мирзаев ҳамкор томонга Тошкент вилоятининг маъмурий-географик ўрни, ишбилармонлик муҳити, бизнес ривожини учун яратилган имконият ва имтиёзлар, меҳнат ресурслари, минерал хом ашё захиралари, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий зоналар, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги борасида муҳим маълумотларни тақдим этди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Тошкент вилояти иқтисодий кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсишни намоян этмоқда ва республикада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ►

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН —

Яшил маконда

БИРГА ЯШАЙЛИК!"

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” лойиҳаси бугунги кунда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланди.

▼ Умуммиллий ҳаракат



4

Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, мамлакатимизда касаба уюшмалари тизимини илгор халқро тажрибалар асосида ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги кўп йиллик самарали хизмати, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган устувор вазифа ва дастурлар ижросини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа ходимлари ордени ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Файзиева Сайёра Мавляновна — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Жасуржон Камилджанович — Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош санаторийси» МЧД директори

Обуна — 2026

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига 2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи — 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» — 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи — 207

Етказиб бериш хизмати ичида.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35

Viloyat
bo'ylab

YANGIYO'L tumanidagi 3-sonli texnikumda “Kelajakni kitob bilan quramiz!” mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi. Unda yoshlar orasida kitobxonlik madaniyatini oshirish, ularda badiiy adabiyotga qiziqishni kuchaytirish hamda kitobning inson hayotidagi ahamiyatini tushuntirishga alohida e'tibor qaratildi. Yakunda eng faol kitobxonlar taqdirlandilar.

ANGREN shahrining “Ozodlik” mahallasida obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ishlari qay darajada tashkil etilgani tahlil qilindi. Bu bo'yicha shahar hokimi A.Rayimov mas'ullarga, mahalla yettilligi a'zolariga zarur topshiriqlar berdi. Hududda kommunal xizmat, ko'p qavatli uylarning ichki yo'laklari, fasad, yerto'la va tom qismlaridagi muammolarni bartaraf etish borasida mas'ullarga vazifalar yuklatildi.

BEKOBOD tumani “Pastki kerayit” mahallasining Obod ko'chasida hashar yo'li bilan 1 ming 100 metrlilik “Salomatlik yo'lagi” qurilishi boshlandi. Bu tashabbus mahallani obod qilish bilan birga, sog'lom turmush tarzini yo'lga qo'yishda amaliy qadam bo'ldi.

ZANGIOTA tumanining “Harakat” mahallasidagi Quruvchi, Ilhom Musayev nomli, Olmazor va Gulbarg ko'chalarida eskirgan simyog'ochlar reja asosida beton ustunlarga almashtirilmoqda. Mazkur ishlar elektr tarmoqlari barqarorligini oshirish, avariya holatlarining oldini olish, aholi xonadonlarini uzluksiz energiya bilan ta'minlash maqsadida amalga oshirilmoqda.

Вилоятимиз делегацияси АҚШда

Факат ўтган йилнинг ўзида вилоят иқтисодиётига 5,5 миллиард АҚШ долларига яқин хорижий инвестиция жалб этилди.

Бу эса халқаро шериклар томонидан ҳудудга бўлган ишонч даражасининг юқори эканини тасдиқлайди.

Мулоқотда томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари ва мавжуд имкониятлар юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, Зойир Мирзаев "Holland & Knight" фирмаси вакиллари билан мулоқот қилди.

Мазкур фирма Флорида штатининг Тампа шаҳрида жойлашган бўлиб, қарийб 60 йиллик ривожланиш йўлига эга. Халқаро рейтингларга кўра, "Holland & Knight" Кўшма Штатлардаги энг йирик юридик фирмалар орасида юқори ўринларни эгаллаб келади. Асосан қишлоқ хўжалиги, авиация, фуқаролик ҳуқуқла-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ри, ахборот-технологиялари, телекоммуникациялар ва космик қонунчилик, технология ва корпоратив мувофиқлик тармоқларида лоббистик амалиётлар билан шугулланади. Аини пайтда фирмага 2 минг 174 нафар адвокат фаолият юритади. Унинг 35 та ваколатхонаси бўлиб, улардан 5 таси Кўшма Штатлардан ташқарида.

Зойир Мирзаев мулоқот чоғида ви-

лоят делегациясининг АҚШга сафаридан қўзланган мақсад ва вазифалар икки томонлама манфаатли алоқаларни иқтисодий соҳаларда янада ривожлантириш эканини таъкидлаб, бу борада етакчи қонунчилик фирмаси билан келишув ва музокараларнинг амалий аҳамиятларига тўхталди.

Ўз навбатида, мезбон тараф вилоят делегациясининг АҚШга таши-

фини қутлаб, фаолият доирасига тааллуқли масалаларда ҳамisha ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

Яқунда ушбу стратегик ҳамкорлигининг бошланиши америкалик ишбилармонлар учун Ўзбекистон бозорининг янги имкониятларини очишда муҳим ўрин тутушига умид билдирилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 ноябрдаги "Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтикани ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини муваффақиятли таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан диагностика ва даволаш амалиётида замонавий, юқсак технологик усулларни кенг қўллаш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа ходимлари ордени ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Имомбердиева Ражабуви Бийжановна – Чирчиқ шаҳридаги «Дилчеҳра» хусусий клиникаси раҳбари

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Сухова Людмила Вячеславовна – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бўстонлиқ тумани бўлими катта фельдшери

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

Каримов Комил Олимжонович – Паркент туманидаги 44-оилавий поликлиника мудири

Юсупов Саминжон Абсаттарович – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қўйи Чирчиқ тумани бўлими ҳайдовчиси

▼ Семинар-тренинг

Хотин-қизлар ва болалар учун хавфсиз муҳит

Бўка туманида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан молиялаштирилаётган "Хотин-қизлар ва болалар учун хавфсиз муҳит яратиш: психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ёрдам" номли лойиҳанинг очилиш маросими ҳамда "Травмадан кейинги ҳолат ва уни енгиш усуллари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир "Гармония" маркази ташаббуси билан вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Семинар-тренингда 40 дан зиёд хотин-қизлар ва фаоллар қатнашдилар. Унда психолог, Тошкент давлат тиббиёт университети Чирчиқ филиали ўқитувчиси С.Амангельдиев травмадан кейинги ҳолатни енгиш, эмоционал барқарорлигини тиклаш ва стрессни бошқариш усуллари оид билим ва кўникмаларни шакллантирувчи амалий машғулотлар ўтказди. Шунингдек, юрист Н. Ниёзов аёлларга ҳуқуқий маслаҳатлар берди.

Сўзга чиққанлар бу каби тадбирлар хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг психологик барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда хавфсиз ва соғлом муҳит яратишга қаратилганини таъкидлашди.

Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Бўка, Юқори Чирчиқ ва Қибрай ту-

манларида 500 дан зиёд хотин-қизлар семинар, тренинг ва суҳбатларга жалб этилиши режалаштирилган. Улардан 200 нафар аёл ва 100 нафар болага яқка тартибда психологик ёрдам кўрсатилади, 150 дан зиёд аёлларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилади. Ижтимоий реестрда турадиган аёллар ўз касбини бошлаши учун асбоб-ускуналар билан таъминланади.

Лойиҳа давомида маҳалла тизими, давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда аёллар ва болаларнинг соғлом ривожланиши, ижтимоий қўллаб-қувватланиши ва хавфсизлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тренинг якунида иштирокчилар бундай амалий тренинглар уларнинг ички хотиржамлиги ва ҳаётий фаоллигига ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлашди.

Айгул ТЕШЕБАЕВА,
Тошкент вилояти
"Гармония" маркази раҳбари

▼ Мактабгача таълим

Бугунги кунда юртимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва интеллектуал ривожланиши учун замонавий шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Янги давлат ва хусусий боғчалар қурилиб, мавжуд муассасалар тубдан таъмирланмоқда. Бунинг натижасида болаларни боғчаларга қамраб олиш йил сайин ортиб, мактабгача таълим тизими сифат жиҳатидан ҳам янги босқичга кўтарилмоқда.



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур".

Маълумотларга қараганда, 2017 йилда фаолият юритган мактабгача таълим ташкилотлари сони 5 минг 186 тани ташкил этган. 2024 йил охирига келиб бу кўрсаткич 38 минг 58 тага етди, яъни 7 баробар ортди. Шу билан бирга, мазкур муассасалардаги ўринлар сони ҳам 3,3 баробар кўпайиб, 2,4

миллион нафар болани қамраб олиш имконияти яратилди.

Эътибор беринг, 2017 йилда 4 мингдан ортқ маҳаллада бирорта ҳам боғча йўқ эди, қамров 27 фойздан ошмасди. Бугунги кунда боғчалар сони 38 мингдан, қамров эса 78 фойздан ошди. Қурилаётган янги боғчалар замонавий ўқув хоналари, спорт ва дам олиш майдончалари, ахборот технологиялари билан жиҳозланмоқда. Шу орқали болаларнинг таълим олишга бўлган қизиқиши ва икжодий салоҳиятини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Бу каби ўзгаришлар вилоятимиздаги туман ва шаҳарларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ҳар бир маҳаллада янги мак-

ҚАМРОВ ДУРУСТ, СИФАТ-ЧИ?



25-мактабгача таълим ташкилоти 1940 йилда мослаштирилган бинода фаолият бошлаган эди.

Боғчанинг таъмирталаб ҳолати маҳалладаги тadbиркорни кўпдан ўйлантирарди. У ўз корхонаси ҳисобидан боғчани замонавий кўринишга келтиришга бел боғлади. Режа бўйича 2024 йилнинг январь ойида ишлар бошланди. Эски боғча

янги мактабгача таълим ташкилотига "Ахиллик", "Қорасарой", "Уч сада", "Тинчлик" маҳаллалари кичикинтойлари ҳам қабул қилинди.

– Аввало, боғчани қайта қуриб берган, аммо исмини ошкор этишни истамаган ҳолийимизга раҳмат, – дейди боғча мудириси Сайёра Умарова. – Шунингдек, туманимиз ҳокими ҳам қурилишнинг бошидан охиригача ёнимизда туриб, маслаҳатларини аямади. Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотига 2 та тайёрлов, 4 та катта, 4 та ўрта, 3 та кичик, битта қисқа муддатли гуруҳларча кичикинтойлар тарбияланишмоқда. 40 нафар ходимимиз бор.

Боғчанинг кўча ва ҳовлисига анъоний гуллару турли қўчатлар экилган. Мудиранинг айтишича, улар орасида вилоят ва туман ҳокими эккан қўчатлар ҳам бор.

Дарвоқе, янги тартиб асосида ўтказилган электрон танловлар натижасида тумандаги 38 та ДМТда болаларни овқатлантириш аутсорсинг усулига ўтказилган. 25-мактабгача таълим ташкилоти ҳам шу рўйхатда бор.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



табгача таълим ташкилотлари қурилмоқда, қамров йил сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, Тошкент туманининг "Қирайқ" маҳалласидаги

бузилиб, ўрнида ҳолийнинг 14 миллиард сўм маблағи эвазига уч қаватли замонавий бино қад ростлади. 500 болани қамраб олиш имкониятига эга бўлган

▼ Матбуот анжумани

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тақдим этилди.



Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланишича, ўтган 9 ой мобайнида бошқармага жисмоний ва юридик шахслардан жами 2 минг 456 та мурожаат келиб тушган. Улардан 1 минг 998 таси ёки 81,4 фоизи қаноатлантирилган, 366 тасига тушунтириш берилган, 52 таси рад этилган, 40 та мурожаат бўйича эса ҳозирда ўрганиш олиб борилмоқда. Шунингдек, 9 ой давомида вилоятнинг 15 та туман ва шаҳарларида сайёр қабуллар ўтка-

зилиб, фуқаролар ҳамда тadbиркорлик субъектларининг мурожаатлари ўрганилган.

Бошқарма томонидан рақобатни ривожлантириш, бозорларда соғлом муҳит яратиш ва монопол ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган ярим йилликда 45 та корхона томонидан юқори ликвидли маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва сотиш жараёни кунлик назоратга олинди. Қонунбузилиш аниқланган 5 та ҳолат бўйича иш қўзғатилиб, 692,2 миллион сўм миқдорида молиявий санкциялар

белгиланди. Шунингдек, ҳозирги кунга қадар 18 та товар (иш ва хизмат) бозорларида таҳлиллар ўтказилиб, натижалар бўйича Кўмитага тегишли тақлифлар киритилди.

Давлат харидлари юзасидан ҳам кенг қўламли назорат олиб борилди. Ҳисобот даврида умумий бошланғич нархи 709 миллиард сўмлик 908 та давлат харидлари ўрганилиб, қонунчилик талаблари бузилган 508 та харид бўйича 58 та иш қўзғатилди. Бу ишлар натижасида 55 та маъму-

қонунбузилиш ҳолати аниқланмади.

Ноҳалол рақобат, тил бириктириш ва картель келишув бўйича 18 та ҳолат аниқланиб, 14 та иш қўзғатилди. Бу ишлар юзасидан қарийб 1,1 миллиард сўм миқдорида молиявий санкциялар белгиланди. "Ангрен ИЗС" АЖ ва "Universal Mobile Systems" МЧЖларга нисбатан "Рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талаблари бузилганлиги сабабли 3,1 миллиард сўмлик жарима қўлланилди.

Қайд этиш жоизки, бошқарманинг

НОҲАЛОЛ РАҚОБАТДАН ТИЛ БИРИКТИРИШГАЧА

рий жавобгарлик чораси қўлланилди ҳамда 21 та ҳолатда қарийб 2,1 миллиард сўм миқдорида молиявий санкция белгиланди. Бошқарма кўрсатмасини бажармаганлик бўйича икки ҳолат судга оширилиб, молиявий жарималар қўлланилди.

Қонун ҳужжатлари ва давлат қарорларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш мақсадида бошқарма томонидан 7 та ҳоқимият ва 3 та бошқармада хатлов ишлари амалга оширилди. Жараёнда жами 10 минг 582 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди. Таҳлил натижасида 15 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, улар бўйича белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Шунингдек, рақобат қонунчилигига зид ҳолатлар юзасидан 143 та лойиҳа ўрганилганда, уларда

энг муҳим йўналиши – истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят бўйича жами 9,7 миллиард сўм миқдорида маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди ва 240 минг 523 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди. Ҳудудий бошқармага 2 минг 255 та истеъмолчилардан тушган мурожаатнинг 80 фоизи қаноатлантирилди ва 1,34 миллиард сўм миқдоридаги маблағ фуқароларга қайтарилди. Мурожаатларнинг 40 фоизи уй-жой ва коммунал соҳадан, 47 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 14 фоизи алоқа ва ижтимоий хизматлар бўйича бўлган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор тadbиркорлик субъектларига нисбатан чо-

ралар кўрилди. Жумладан, "Раҳнамо сервис" МЧЖ томонидан 1 079,5 миллион сўм, "ZERO-WASTE" МЧЖ томонидан 1 780,8 миллион сўм, "Ангрен Бунёд Файз" МЧЖ томонидан 2 042,8 миллион сўм ва "Зангиота Ободон" МЧЖ томонидан 3 244,8 миллион сўм миқдоридаги маблағлар 234 мингдан зиёд истеъмолчига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Шу билан бирга, "Мусаффо оби ҳаёт магистраль сув таъминоти" АЖ томонидан тарифларни сунъий оши-

риш ҳолати аниқланиб, 2 265,2 миллион сўм ортқича ҳақ ундирилгани учун 113,2 миллион сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилди.

Ҳисобот даврида халқ истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлиги бўйича 65 турдаги маҳсулотнинг назорат хариди ўтказилди. Шулардан 8 та маҳсулотнинг яроқлилик муддати ўтган ёки талабларга жавоб бермаганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Реклама соҳасида ҳам қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида 1 минг 620 та мониторинг ўтказилди. Натижада 61 та ҳўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар берилди ҳамда 375 миллион сўм миқдорида жарималар ундирил-

ди. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ноқонуний реклама фаолияти билан шугулланган айрим блогерларга нисбатан "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 46-моддаси асосида маъмурий баённомалар тузилди.

– Бугун рақобатни ривожлантириш фақат тadbиркорлик соҳаси учун эмас, балки ҳар бир фуқаро манфаати учун муҳим аҳамият касб этади, – дейди Рақобат кўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Арзиқул Бобомуротов. – Ҳар бир истеъ-

НИГОРА ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Муаллиф олган сурат

Robiyaxon AZIMJONOVA,
TDYU talabasi



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAUQULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abdusodir ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
To'xtamurod HASANBOYEV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 20:00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-135.

2 457 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta “Toshkent haqiqati”
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН —

Яшил макonda

БИРГА ЯШАЙЛИК!”



халқаро аҳамиятдаги автома-
гистраль йўллар бўйлаб 22 кило-
метр масофада кенг кўламли кў-
чат экиш ва ободонлаштириш
ишлари амалга оширилди.

— Жорий кўз мавсу-
мида мамлакатимиз
бўйлаб “Яшил макон”
умуммиллий лойиҳаси
доирасида 125 мил-



лион туп манзарали ва мевали
даррахт кўчатлари экилиши режа-
лаштирилган, — дейди Экология,
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгаришлари вазирлиги
бош мутахассиси Бобурбек Хуса-
нов. — Ҳозирда кўчат экиш тад-
бирлари қизғин давом этмоқда.
Жараён ҳар бир ҳудуднинг иқлим

шароитига қараб ташкил этилган.
Хусусан, Оҳангарон туманида
икки кўнлик ҳашарда 450 мингдан
ортиқ кўчат экилди. Ернинг ме-
лиоратив ҳолатидан келиб
чиқиб, шумтол, каталпа,
қайрағоч кўчатлари тан-
ланди.

Ҳашарда вилоят
прокуратураси ходим-
лари ҳам фаол ишти-
рок этишди.

— Жорий мавсумда
вилоят бўйича 11 мил-
лиондан зиёд кўчат
экиш режалаштирил-
ган, — дейди вилоят
прокуратураси бўлим
прокурори Ҳасанбой
Камалов. — Икки кўнлик
ҳашарда 50 минг туп кўчат
экилди. Эътиборлиси, бу ҳа-
ракатга барча ташкилотлар ўз
ҳиссасини қўшмоқда.

Ўсимликлар карантини ва ҳи-
мойси агентлиги вилоят бошқар-
маси ходимлари ҳам хайрли иш-
дан четда қолшмаётгани.

— Биринчи галда иқлимга мос
даррахт кўчатларини танлаб, ерни
тайёрладик, — дейди Оҳангарон
тумани фитосанитар инспектори
Алижон Махсиллов. — Ҳашарчи-
лар астойдил меҳнат қилишди. Бу
ташаббус сабаб юртимизни яшил
макonga айлантирамыз.

— Оҳангарон тумани ҳудудидан
ўтгувчи А-373 йўлининг 45-кило-
метрида Сув ҳўжалиги вазирлиги-
нинг “Яшил макон” боғини ташкил
этиш мақсадида ҳашар ўтказдик,
— дейди Чирчиқ-Оҳангарон ирри-
гация ҳавза бошқармаси бошлиғи
ўринбосари Али Зокиров. — Унда
300 нафардан зиёд ишчи-ҳодим-
лар, ёшлар ва жамоатчилик вакил-
лари иштирок этишди. Тадбирга
10 дан зиёд махсус техника ва сув
ташиш воситалари жалб этилди.
Кўчат экишдан олдин ер майдонла-
ри тайёрланди, суғориш тизимлари
созланди. Шунингдек, тез орада
сувсиз ҳудудларда 20 та ер ости
сув қудуқларини ўрнатили режа-
лаштирилган.

Таъкидланганидек, “Яшил ма-
кон” лойиҳаси шунчаки даррахт
экиш эмас — у келажак авлод учун
соғлом муҳит яратиш, табиатга
меҳр ва Ватанга муҳаббатнинг
амалий ифодасидир. Зеро, “Янги
Ўзбекистон — яшил маконда бира
яшайлик!” ғояси халқимиз онгида
экологик маданият ва табиати
асраш ҳиссини янада мустаҳкам-
ламоқда.

Ҳашарда Президент маслаҳат-
чиси Ғофуржон Мирзаев ҳамда
Тошкент вилояти ҳокими Зойир
Мирзаев қатнашди.

Нигора УРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



▼ Дарвоке

Ҳар инсон тақдирида бир
бурилиш нуқтаси бўлади — шу
лаҳзаларда қимдир орзу ор-
тидан кетади, қимдир ҳаёт-
нинг амалиётга тўла йўлини
танлайди. Бундай вазиятлар
менинг-да таржимаи ҳолимга
ёзиллиб қолган: ўша кўни тахри-
риятда икки авлод — тажриба
ва орзу тўқнаш келган эди. Бир
томонда елкасига масъулият
юқини олган бош муҳаррир,
иккинчи тарафда кўзлари ёниб
турган жасоратли талаба.

2011 йили “Янгийўл” газе-
тасида ишлардим. Хонамда
ўтирган йигитнинг мақоласи
билан танишиб чиққам, ўзи би-
лан суҳбатлашгим келди.

— Ёзганингиз менга маъқул,
— дедим, — журналистикани би-
тирганимисиз?

— Йўқ, ҳали талабаман,
устоз.

— Яхши. Янгийўллик бўл-
сангиз керак?

— Ҳа, “Эски қовунчи” маҳал-
ласидан.

— Уҳажон, мен очик гапла-
лашгани яхши кўраман. Сизга
ўхшаган юраги ёниб турган
ёшларни кўрсам, улар янаям
ўсиб-униши учун қўлимдан
келганча ёрдам бергим кела-
веради. Янгийўллик экансиз,
бизда ишлайсизми?

— Сўхбатдошим ҳайрон бўлиб
қолди.

— Нега? Мен ҳали ўқишни
тўғатмаганман-ку!

— Ҳечқиси йўқ. Тахририят-
да ўтириб ишлаш шарт эмас,
ўқишдан буш пайтлари мақола
ёзиб берсангиз бўлди. Бироз
қийин, лекин талаба учун қў-
шимча даромад. Ҳам тажриба
ошиб боради...

— Устоз, авваламбор тақлиф
учун раҳмат, лекин менинг кат-
та орзуларим бор...

Ўша йиллари тахририятда
мендан бошқа икки нафар ижо-
дий ходим бор эди — Кўчқор ака
ва Рихсияхон опа. Аммо икки-

сиям нафақа ёшида бўлгани
учун маҳаллий ёшлардан қала-
ми борларини учратиб қолсам,
газетага тортигим келаварарди.

Йигит олийгоҳни битиргач,
Европада ҳам ўқишни давом
эттириш нияти борлигини айт-
ди. Хўп, режаларинг аъло,
дедим, лекин ҳамма яхши
мутахассислар ривожланган
давлатларга кетаверса, ўзбек-

нинг мақоласи шахсий архи-
вимда сақланиб қолган экан.
Яқинда қутилмаганда қўлимга
тушиб қолди. Ҳар қачон уни
учратиб қолсам, ўша суҳбат ва
тортмадаги мақола ёдимга ту-
шар ва “Шу йигитдан бир мақо-
ла қарзим бор-да!” деган гап
хаёлимдан ўтаверар эди.

Яқинда бош муҳарриримиз-
га илтимос қилиб, ўша қарзим-

синфдошлари нолиб, бири-би-
рига луқма ташлаётти:

— Қўш уясиди кўрганини қи-
лади, деб шуни айтишса ке-
рак-да а, Азиза?

Матбуот орқали танқидга уч-
раган хонанданинг эътирозига
мақола муаллифи жавоб бера-
пти:

— Башарангиз қийишқ бўлса,
ойнадан ўпкаламам-да!

лий урф-одат ва аънаналари
вужудга келади. Улар йиллар
давомида такомиллашиб, сай-
қалланиб боради. Унинг қанча-
лар истеъмолда бўлиши жаҳон
тамаддунига қўшган ҳиссаси ва
унда тутган ўрни билан боғлиқ.
Бу борада жуда узоқ тарихий
даврни қамраб олган давлатлар
қаторида Ўзбекистон нафақат
Шарқ мамлакатларида, балки

Ғарбда ҳам алоҳида аҳамиятга
эга.

Авваллари оммавий ахборот
воситалари орқали “Ҳикматлар
хазинаси”, “Донлар бисотидан”,
“Оталар сўзи — ақлнинг кўзи”,
“Мақолларда яширинган ман-
тиқ” руқнлари остида мақоллар
бериб бориладди. Бу эса томо-
шанинг, ўқувчига бир мақолнинг
бир неча кўринишини
билиш ва уни ҳар хил маънода
қўллаш ва замиридаги маънони
туйиш имконини беради.

Бунга мисол қилиб, “Муштум”
журналининг 2006 йил 1-сониди
“Аския бисотидан” руқни остида
берилган “Мақоллар пайрови”да
42 та мақол ўз ўрнида қўлланга-
нини айтиш мумкин.

Афсуски, бозор иқтисодиёти
даврида кесин рақобатда ютиш,
қолаверса, халқнинг эъти-
борини тортиш учун ОАВдаги
мақоллар нисбатан кўпроқ ис-
теъмолда бўлиши барчага аён.
“Мақол деб халқнинг ижтимо-
ий-тарихий, ҳаётий маиший
тажрибаси умумлашган бадий,
образли мўлоҳазалардан ибор-
рат ҳикматли сўзларга айтила-
ди. Мақол тожиқларда “зарбул-
масал”, русларда “пословица”,
арабларда (жонли сўзлашувда)
“нақл”, туркларда “ата сўзи” ата-
маси билан юритилади. Мақол
атамаси арабча қавлун гапир-
моқ, айтмоқ сўзидан олинган”,
деб маълумот беради домла-
маси Омонулла Мадаев “Халқ о-
заки ижоди” номли рисоласида.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқ
пайдо бўлиши билан унинг мил-

Тажриба ва орзу тўқнаш келган кун



нинг қишлоқларида ўсаётган
ёшларга ким етакчилик қила-
ди?

Хуллас, шу кўни олимим
йигитчага ўтказа оладим:
ўжарликда мендан қолишмас
экан. Ёш бўлиб у, катта бўлиб
мен ортга тисланмадик.

Талаба узрини айтиб чиқиб
кетди. Мен эса, унинг мақола-
сини тортмага солиб қўйдим.
Кўп ўтмай бошқа тахририятга
ишга ўтиб кетдим ва талаба
йигит билан бўлган суҳбат ҳам
унутилди.

Гоҳо ўйлаб қоламан: айрим
ёшларимизнинг ўжарлигидан
кўпинча жаҳлимиз чиқади. Ле-
кин аслида журналист бўла-
ман деганлар учун ҳаётда ҳам,
ижодда ҳам асқатадиган энг
нодир фазилатлардан бири
экан бу.

Дарвоқе, ўшанда тақли-
фимга кўнмаган талаба йигит-

ни узишга розилик олдим.

Мана ўша мақола:

ЎРНИНИ РЕКЛАМАГА БЕРГАН МАҚОЛЛАР

Ўзаро суҳбатлашаётгани-
мизда, айтганларимизни изоҳ-
лаш мақсадида бирорта мақол-
дан фойдаланамиз. Фикр-
ларимизни содда, аниқ, лўнда
қилиб мақол орқали ифодалай-
миз. Айни шу жараёнга уйда,
кўчада, транспортда, ўқишда,
ишда, хуллас, қарерда бўлмай-
лик тез-тез гувоҳ бўламиз.

Масалан, эри билан муроса-
на келишолмаган келинга қайно-
наси танбех берапти:

— Бургага аччиқ қилиб, кўрпа-
га ўт ёқман-да, пошшо қизим!
Тўполон қилавериб, синфни
бошига кўтарган Абдулладан

Деярли ҳар кўни ҳар биримиз
халқ озаки ижоди намуналар-
и, яъни афсона ва ривоятлар,
мақоллару топишмоқлар, аския,
латифа, лоф ва бошқалардан
фойдаланамиз. Булар орасида
мақоллар нисбатан кўпроқ ис-
теъмолда бўлиши барчага аён.
“Мақол деб халқнинг ижтимо-
ий-тарихий, ҳаётий маиший
тажрибаси умумлашган бадий,
образли мўлоҳазалардан ибор-
рат ҳикматли сўзларга айтила-
ди. Мақол тожиқларда “зарбул-
масал”, русларда “пословица”,
арабларда (жонли сўзлашувда)
“нақл”, туркларда “ата сўзи” ата-
маси билан юритилади. Мақол
атамаси арабча қавлун гапир-
моқ, айтмоқ сўзидан олинган”,
деб маълумот беради домла-
маси Омонулла Мадаев “Халқ о-
заки ижоди” номли рисоласида.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқ
пайдо бўлиши билан унинг мил-

бошқаси билан алмаштириш
мумкин эмас. Улар миллий тил
таркибида қолиплашган ҳолда
намоён бўлади, — дейди фило-
логия фанлари номзоди Омо-
нулла Мадаев.

Айрим қизиқчилар эса инсон
табиатан қулгига мойил бўла-
ди қабилда иш кўрадилар.
“Туя ҳаммомни орзу қилибди”,
“Ҳақиқат эгилади, буқилади,
лекин синмайди”, “Қозонга яқин
юрсанг, қораси, ёмонга яқин
юрсанг балоси юқади”, “Етти улчаб
бир кес” каби ўнлаб мақоллар
“Туя ҳаммомни орзу қилибди”,
маймун — бритвани”, “Ҳақиқат
эгилади — синмайди, талаба
оч қолади — ўлмайди”, “Қозон-
га яқин юрсанг, қорнинг тўяди”,
“Етти ўлчагунингча бошқаси ке-
сиб кетади” тарзида талқин қи-
линганига гувоҳ бўляпмиз.

Тўғри, халқ озаки ижоди
йиллар давомида ўзгариб, сай-
қалланиб бориши ва уни замон
талабига мослаш мумкин, аммо
ота-боболаримизнинг ҳаёт-
ий тажрибаларига асосланган
мақолларни, улар томонидан
йиллар, асрлар давомида асраб
қелинган бой аънаналарни ҳар
ким ўз билганча ўзгартиривер-
са, озаки ижодимиз гузалиги-
ни йўқотмаслигига, ўсиб кела-
ётган авлодни “шундай қилса
бўлар экан-да”, деган хаёлга
бормаслигига ким қафолат бе-
ради?

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎЗМУ журналистика фа-
культети талабаси,
(2011 йил)

Дарвоқе, мақола муалли-
фи — бундан ўн тўрт йил аввал
“Янгийўл” газетасига ишга ки-
ришга унамаган журналистика
факультети талабаси ҳозир
кўпчиликка яхши таниш бўл-
ган журналист. У бугунги кўнда
Бош вазирнинг матбуот қоти-
би сифатида қизғин фаолият
юртмоқда.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири